



ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИНИНГ ФАОЛИЯТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Беккулов Анвар Фарходович

Majburiy ijro byurosi Qashqadaryo tumanlararo bo'limi davlat ijrochisi
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасининг
коррупцияга қарши курашиш йўналиши тингловчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8019478>

ARTICLE INFO

Received: 30th May 2023
Accepted: 08th June 2023
Online: 09th June 2023

KEY WORDS

Манфаатлар тўқнашуви,
ҳуқуқ субъекти, Мажбурий
ижро, бюро ходимлари, МИБ,
вилоят ҳудудий бошқармаси,
мансаб ёки хизмат
мажбуриятлари, Ходимлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада давлат ижрочисининг
фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини
олиш ва уни бартараф этиш хақида сўз юритилган.

Бугунги кунда манфаатлар тўқнашуви коррупция жиноятининг моддий қийматликларсиз амалга ошириладиган фаолият турига айланиб улгурди. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мансабдор шахслар томонидан таниш билишчилик доирасида бузилишига олиб келмоқда.

“Манфаат”- бу арабча – фойда, даромад, моддий, маънавий ва бошқа жиҳатдан кўриладиган наф сўзларининг тавсифидир. Бироқ, сўзлар бирикмасидан ҳосил бўлган мазкур иборанинг юридик табиатини аниқлашда унинг ҳуқуқий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.



Conflict of interest

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси мантиқан олганда, “манфаат” ва “тўқнашув” сўзлари бириккан ҳолда икки ҳуқуқ субъектнинг манфаати тўқнашуви маъносини билдирса-да, ҳуқуқий жиҳатдан мазкур тушунчалар бирикмаси зидлик



маъносини ифодалайди. “Тўқнашув” сўзи лотинча “**conflictus**” сўзидан олинган бўлиб, қарама-қаршилик, қарама-қарши томонлар, қарама-қарши фикр, куч, келишмовчилик ва низо, шунингдек, қарама-қарши куч ва фикрларнинг тўқнашуви маъноларини билдиради.

“Ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги манфаатлар тўқнашуви дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқи, эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш нафақат миллий аҳамиятга эга, балки халқаро миқёсдаги муammo бўлиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган. Деярли барча ривожланган мамлакатларда қонунчилик давлат хизматчиларига илмий, ижодий ва педагогик фаолиятидан ташқари, бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишни тақиқлайди. Ушбу мажбуриятни бузиш ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка сабаб бўлади¹”. Бинобарин, давлат ижрочисининг хизмат вазифаларини тўлақонли бажариш учун берилган ҳуқуқларидан чекланмаган даражада шахсий манфаатдорликка эга бўлиш мақсадида фойдаланишига йўл қўймаслик лозим. Биргина давлат ижрочиси томонидан қилинган бундай ҳаракатлар бутун Мажбурий ижро бюро ходимлари номига хаттоки, прокуратура тизимига доғ тушуради. Давлат ижрочилари томонидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва буддай ҳаракатларни олдини олиш мақсадида улар ишга кираётганда **манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни** электрон ёки ёзма шаклда тўлдириши ва МИБ вилоят ҳудудий бошқармасига топшириши шартлигини белгилаб қўйиш шарт.

Манфаатлар тўқнашуви нима?

Манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият².

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. **Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси V боби** ҳам **манфаатлар тўқнашувига** бағишланган.

Касб одобномасида “Ходимлар мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда эса ходимлар ўз бўйсунувидаги раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотларни олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбурдир.

¹ Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // Масъул муҳаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: “Akademiya”, 2022. 166-б.

² Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун. 3-модда. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.

Давлат ижрочисининг хизмат фаолиятида маанфаатлар тўқнашуви қайдай кўринишларда юз бериши мумкин?

Авволо манфаатлар тўқнашуви юз бериш учун давлат ижрочисига қонун билан мансаб даражасидан келиб чиқиб муайян ваколатлар берилган бўлиши керак. Бундай ваколатлар давлат ижрочисига “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 84-моддасида белгиланган. Мазкур моддада келтирилган давлат ижрочисининг 19 та ҳуқуқларидан 12 таси унинг мутлоқ ваколатлари ҳисобланади. Қолган 7 таси эса ижро иши юритувида доим фойдаланиш мумкин бўлган ҳуқуқларидир. Ваҳоланки, *давлат ижрочисида шунча ваколат бўлса-ю, унинг хизмат фаолиятида ҳеч қандай манфаатлар тўқнашуви юз бермайдими? Ижрочи фақат қонуний иш олиб борадими?*- деган, ўринли саволлар ҳам туғилади.

Давлат ижрочисининг фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг қуйидаги шакллари таҳлил қилиб чиқамиз.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг асосларидан бири – бу шахсий манфаатдорлик ҳисобланади. Қариндошлар ўртасида эса манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг эҳтимоли жуда юқори ҳисобланади.

уруғ-аймоқчилик – давлат ижрочисининг ёки прокуратура ходимнинг умумий



аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш шаклдаги шахсий манфаатини намоён этилиши.

Бу ҳолатда давлат ижрочисининг иш юритувида келиб тушган ижро хужжатида унинг яқин қариндошларидан тортиб, қариндошлик шажараси бир неча авлодга бориб тўқнашадиган узоқ қариндошлари қарздор бўлса, ижрочи бу вазиятдан манфаат кўришга

интилади. Негаки ундирувни унинг қариндошлари мол-мулкига қаратиш, мол-мулкни ҳатлаш ижро ҳаракатларида қарздорга ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли эканлигини давлат ижрочиси тушунтиради. Давлат ижрочиси томонидан жарималар солиш учун асослар мавжуд бўлса-да, жарималар қўлламаслик ҳолатлари умумий статистикалар билан ҳам ўз исботини топган. Хаттоки, қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига вақтинча чеклаб қўйиш ваколатларидан ўзини тийиб туриши ҳам мумкин. Бу каби манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган яна бир нечта ижро ҳаракатларини санаб ўтиш мумкин.

✓ **маҳаллийчилик** – бунда давлат ижрочисининг иш юритувида келиб тушган ижро хужжатидаги қарздор томон. Давлат ижрочисининг ҳамшахари, ҳамқишлоғи, бир маҳаллада яшаши оқибатида очикдан очик таниш билишчиликка қўл уриши эҳтимоллари учрайди. Бу ҳолатда давлат ижрочиси ўзини ўзи рад қилиши ва бу ҳақда дарҳол катта давлат ижрочисига маълумот бериши шарт бўлади. Кўп ҳолатларда айрим қўштирноқ ичидаги давлат ижрочилари бу ҳақида хабар бермайди. Агар қарздор шундай **маҳаллийчилик** асосида таниш бўлса, имкон қадар қарздор



манфаатига хизмат қиладиган даражада суғ ижро ҳаракатини амалга ошириши мумкин.

Аксинча ундирувчи шундай таниш-билишчиликка асосланиб ундирувни тезлаштиришни сўраб давлат ижрочисига мурожаат қилса, бу ҳолатда давлат ижрочиси ўз хизмат ваколатларидан келиб чиқиб, тезкорлик билан барча ижро ҳаракатларини қонун доирасида бажаришга киришиши мумкин. Бундай маҳайллийчиликлар инсон ва жамиятнинг қолаверса, Бюронинг номига доғ тушириб қўйиши мумкинлиги ҳар бир давлат ижрочиси тушуниб етиши лозим.

✓ **ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – МИБ ва ҳудудий бошқармалари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имкониятини қўлга киритиш ҳаракатларидир.

Давлат ижрочисининг шахсий манфаатдор бўлиши – унинг мансаб ваколатидан келиб чиқиб иккинчи томон фойдасига ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш, тўхтатиб туриш ёки қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида қарорлар чиқариб бериш эвазига қарздорлар ёки ҳуқуқбузарлар томонидан пул, хизматлар, бонуслар, имтиёзли кредитлар бериш таклифини қабул қилганда юз бериши мумкин.

✓ **потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) прокуратура ва Мажбурий ижро бюро билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Мажбурий ижро бюросининг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва МИБнинг юқори амалдорлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият.



Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун давлат ижрочилари ва Бюронинг бошқа ходимлари қуйидагиларга қатъий амал қилишлари шарт:

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя қилиш. Давлат ижрочилари манфаатлар тўқнашувига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишлари лозим;
- ❖ Хизмат вазифаларини профессионал даражада, масъулият, ташаббускорлик, садоқат ва холислик билан бажариши, ижро ишидаги тарафларнинг бирини манфаати учунгина хизмат қилишдан ўзи тийиши;
- ❖ Прокуратура органлари ходимларининг қасамёдига ва хизмат бурчига содиқ бўлиши, касбий мартабасига муносиб ходим бўлиши;



- ❖ Бош прокурорнинг буйруқ, кўрсатма ва топшириқларини сўзсиз бажариш, бўйсунув бўйича юқори турувчи раҳбарларнинг ваколат доирасида қабул қилган қарорларини, қонуний кўрсатмаларинигина вақтида бажариши;
- ❖ Давлат ижрочиси фаолиятини қонун ҳужжатларида Бош прокурор ва Бюро директори буйруқларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга ошириб, қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилиш. Унинг томонидан чиқарган қарорлар манфаатлар тўқнашуви қурбони бўлмаслиги шарт;
- ❖ Давлат ижрочиси хизмат вазифаларини бажаришда расмиятчилик, сохтакорлик ва суистеъмолчиликка йўл қўймаслик учун ўзини доим ҳалоллик вакцинаси билан эмлаб туриши;
- ❖ Хизмат вазифаларини бажараётган давлат ижрочиси ижро ҳужжатидаги қарздорга, гуруҳ ёки ташкилотга ғайриқонуний ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя қилиш;
- ❖ Хизмат вазифаларини виждонан бажараётганлигига шубҳа уйғотиши мумкин бўлган, шунингдек, ўз обрўси ва прокуратура органларининг нуфузига путур етказилишига сабаб бўладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш;
- ❖ Хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғараз мақсадларда, шунингдек, жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ноқонуний манфаатлари учун эмас, аксинча Бюро манфаатлари йўлида фойдаланиш;
- ❖ маишатбозликка, совға ва бошқа моддий қимматликлар кўринишидаги порахўрликка йўл қўймаслик;
- ❖ қонун ҳужжатлари ҳамда Бош прокурор буйруқларида белгиланган хизмат билан боғлиқ чеклов ва тақиқларга риоя қилиш лозимдир.

Ўзбекистон манфаатлар тўқнашувларини олдини олиш чора-тадбирларини ўз мустақиллигини қўлга киритган йилларданоқ кўра бошлаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги **“Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”**ги 103-сонли қарори билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахслар (*лавозимлар*) рўйхати тасдиқланган.

Шу тариқа давлат хизматчиларининг хизмат фаолияти мобайнида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгалламаслиги, ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши шартлигини мавжуд қонунлар асосида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилда **“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”**ги Қонунининг 21-моддасида давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги белгиланган.

Агар давлат ижрочисининг фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келса, давлат ижрочисилари ўзининг бевосита раҳбари туман бўлим бошлиғини бу ҳақида



дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида ҳар қандай маълумотларни олган раҳбар бундай муносабатнинг юз беришини тўхтатиши ва уни бартараф этиш чоралар зудлик билан кўриши шарт.

Давлат ижрочиси потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши Бюронинг Ички хавфсизлик инспекцияси ёки одоб-ахлоқ комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Манфаатлар бузилишининг олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим. Бюрода давлат ижрочиларининг хизмат вазифаларини бажариш билан юзага келган манфаатлар тўқнашувларини бартараф этишнинг қуйидаги чоралар белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- бириктирилган туман ҳудуди ичида давлат ижрочисини ички ротация қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида ходим ўз ихтиёрига кўра ўзини ўзи рад этмаган ҳолларда у мазкур ишдан мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;
- давлат ижрочиси томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Ташкилотнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;
- манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни декларация қилиш.

Юкоридагилардан хулоса килсак, давлат ижрочисининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва уни бартар этиш мақсадида Мажбурий ижро бюроси томонидан “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида” Дастур ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

References:

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги 29-сон буйруғига 3-илова